# Course name: Management of small business entities

## Week 2: Organization of business activities

## Курс номи: Кичик бизнес субектларини бошқариш
*(Management of Small Business Entities).*

## 2-МАВЗУ. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш

**Режа:**

**1.** Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш.

**2.** Кичик бизнесни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ўзига хос хусисиятлари.

**3.** Кичик бизнес субъектларини банк, солиқ ва молия ташкилотларида рўйхатдан ўтказиш тартиби.

**4.** Тадбиркорлик субъектларига литцензия бериш тартиби.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт. Керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозим"[1], деб таъкидлаганлар.

### 1. Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш.

**Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси-** Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир[2].

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир. Давлат органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь

[2] «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қоунни 2012 йил 12 май ЎРҚ-328. 3-модда

шуғулланиши қонунчиликда ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиши мумкин эмас[3].

**Кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидагилардир[4]:**

1) якка тартибдаги тадбиркорлар;

2) ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик **сони кўпи билан йигирма киши**, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқлардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар;

3) қуйидаги тармоқлардаги:

қонунчиликда назарда тутилган енгил, озиқ-овқат саноатидаги ва қурилиш материаллари саноатидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан икки юз киши;

металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноатидаги, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, қурилиш ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳалардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони қонунчиликда назарда тутилган тартибда белгиланади. Бунда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва фуқаролик-ҳуқуқий характердаги бошқа шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек унитар

---

[3] «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қоунни 2012 йил 12 май ЎРҚ-328. 4-модда

[4] «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қоунни 2012 йил 12 май ЎРҚ-328. 5-модда

корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади.

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик айланма ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига киради.

Кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар ва преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлар «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қоунни 5-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тадбиркорлик субъектлари томонидан ваколатли органларга ва ташкилотларга (давлат солиқ, божхона хизмати органларига, давлат статистика органларига, банкларга ва бошқаларга) ёзма равишдаги мурожаатларсиз қўлланилади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар ва преференцияларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестрида эълон қилинади ҳамда доимий равишда янгилаб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестрини шакллантириш ҳамда доимий равишда янгилаб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ходимлар сонини ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун улар қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Ушбу қоида қуйидаги ҳолларда татбиқ этилмайди:

микрофирма ва кичик корхона Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежларининг, академик лицейларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 50 фоиз ошадиган бўлса. Ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежларининг, академик лицейларининг ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб кўпи билан уч йил ўтган бўлса, йўл қўйилади;

кичик корхона уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоиз ошадиган бўлса.

**Якка тартибдаги тадбиркорлик**[5]

Якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимларни ёллашга ҳақли.

Ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар товарлар тайёрлаш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун шогирдларни уларга тегишлича ҳақ тўлаган ҳолда жалб этишга ҳақлидир.

*Қўшимча маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сонли қарори билан тасдиқланган «Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом.*

Якка тартибдаги тадбиркор ўз номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, ҳуқуқ ва мажбуриятларни олади ҳамда амалга оширади. Жисмоний шахс ўз тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимлар тузаётганида, якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳаракат қилаётганлигини, агар бу битимларни тузиш вазиятининг ўзидан аниқ англашилмаса, кўрсатиши керак. Бундай эслатманинг мавжуд эмаслиги якка тартибдаги тадбиркорни ўз мажбуриятлари бўйича зиммасидаги жавобгарликдан озод этмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошираётганда шахсий иш ҳужжатлари бланкаларидан, муҳр, штамплардан фойдаланишга ҳақли, уларнинг матнлари мазкур шахс якка тартибдаги тадбиркор эканлиги ҳақида далолат бериши лозим.

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунда, никоҳ шартномасида ёхуд эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

*Қўшимча маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 225-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 24-*

[5] «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қоунни 2012 йил 12 май ЎРҚ-328. 6-модда

*моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 6-сон «Судлар томонидан никоҳни бекор қилишга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида»ги қарорнинг 22-банди.*

**Жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти** [6]

Жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги шаклларида амалга ошириши мумкин.

Жисмоний шахслар якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтганидан кейингина биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномасининг тарафлари бўлиши мумкин.

Оилавий тадбиркорликнинг амалга оширилиши, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги тузилиши, фаолият кўрсатиши ҳамда фаолиятининг тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар қонунчилик билан тартибга солинади.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-боби («Оддий ширкат») ва Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни.*

**Хусусий корхона**

**Тадбиркорлик фаолиятининг ушбу ташкилий-ҳуқуқий шакли** амалда тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистонда ***энг кенг тарқалган шакли*** ҳисобланади. Масъулияти чекланган **жамият** шаклида (бундан буён - **МЧЖ**) нафақат **кичик тадбиркорлик субъектлари, балки ўртава йирик ҳажмлардаги бизнес-тузилмалар** ҳам рўйхатга олинади.

МЧЖ таъсисчиси сифатида битта шахс (жисмоний ёки юридик) ҳам, икки ва ундан кўпроқ бўлган жисмоний ва/ёки юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин. Қонун жамият иштирокчилари сонининг юқори чегарасини белгилайди, уларнинг сони элликдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Агар жамият иштирокчиларининг сони белгиланган меъёрдан ошиб кетса, жамият бирйил ичида очик акциядорлик жамияти ёки ишлаб чиқариш кооперативи этиб қайта тузилиши керак.

Акциядорлик жамияти – бу жисмоний шахслар капиталларининг бирлашуви бўлиб, у акциялар чиқариш йўли билан ташкил этилади.

---

[6] «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қоунни 2012 йил 12 май ЎРҚ-328. 6-модда

Жамият жамланган капиталига қараб махсус қимматли қоғоз – акция чиқаради. Акцияни сотиб олганлар ҳиссадорларга айланишади ва фойдадан ўз ҳиссаси – диведендни олиб турадилар. Акциядорлик жамияти ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бутун мол-мулк билан жавобгар ҳисобланади. Акциядорлар жамияти мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун фақат ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида жавобгар ҳисобланади.

**Очиқ турдаги акциядорлик жамияти** – бу акциядорлари ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз эркин тасарруф қила оладиган жамият. У чиқарадиган акцияларига очиқ обуна ўтказиш ва уларни эркин сотиш ҳуқуқига эга. Таъсисчиларнинг энг кам сони ҳам чекланмаган. Очиқ турдаги АЖ учун устав фондининг энг кичик миқдори АЖ рўйхатидан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи суммасининг икки юз баробари миқдорига тенг бўлиши керак.

**Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти** – бу акциялари номланган (эгаси ѐзилган) ва улар фақат АЖ таъсисчилари ўртасида тақсимланган жамиятдир. Унинг акциялари қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлиши жамият Низомига биноан ман этилган ѐки чекланган бўлади. Ёпиқ турдаги АЖ учун устав фондининг энг кам миқдори – АЖ рўйхатдан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи суммасининг камида юз баробари миқдорига тенг бўлиши керак.

**Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари**[7] **-** Тадбиркорлик фаолияти субъектлари:

қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга;

юридик шахс бўлган бошқа тадбиркорлик субъектларининг муассислари (иштирокчилари) бўлишга;

мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулкка эгалик қилишга, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга;

ўз фаолияти йўналишларини, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларни ва ўз товарларининг (ишларининг, хизматларининг) истеъмолчиларини мустақил равишда танлашга;

тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олишга, бундан товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида устун мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари мустасно;

[7] «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қоунни 2012 йил 12 май ЎРҚ-328. 8-модда

### Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мажбуриятлари[8]

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари:

ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариши;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши;

меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахсларнинг меҳнат ҳақини қонунчиликда Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан оз бўлмаган миқдорда белгилаши, улар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиши, шунингдек иш берувчи сифатида ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик техникаси, экология, санитария ва гигиена соҳасидаги қонунчилик ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши;

рақобат тўғрисидаги ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

реализация қилинадиган маҳсулот ва хизматлар учун сертификатларга эга бўлиши;

жойлашган ери (почта манзили) ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилиши;

бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонунчилик талабларига мувофиқ юритиши;

ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли давлат органларига белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этиши шарт.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## 2. Кичик бизнесни субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби

**Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари**[9] - Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан «бир дарча» принципи бўйича ва, қоида тариқасида, хабардор қилиш асосида, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга

[8] «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қоунни 2012 йил 12 май ЎРҚ-328. 9-модда

[9] «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қоунни 2012 йил 12 май ЎРҚ-328. 13-модда

оширилади. Рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга ёки унга қонунчиликда назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказиш муддатларини бузганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори, шунингдек мазкур орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) суд томонидан қонунга хилоф деб топилган тақдирда, улар ариза берувчига рўйхатдан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди ва маънавий зарар учун компенсация тўлайди.

**Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш** (давлат рўйхатидан ўтказиш) — рўйхатдан ўтказувчи органнинг тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтказиш маълумотларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига (кейинги ўринларда Реестр деб аталади) киритиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари;

**Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш СХЕМАСИ**[10]

[10] Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида” Низоми

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Ариза берувчи | 1. Сўровнома Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали расмийлаштирилганда:<br>фирма номини танлаш — юридик шахслар учун;<br>сўровномани тегишли маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон шаклда расмийлаштириш;<br>давлат божини тўлаш.<br>2. Рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи келиб мурожаат қилинганда:<br>давлат божини тўлаш;<br>тегишли қоғоз ҳужжатларнинг асл нусхаларини бир нусхада тақдим этиш;<br>рўйхатдан ўтказувчи органнинг ходими билан биргаликда аризани тўлдириш. | Ариза берувчининг хоҳишига кўра<br><br>(реал вақт режимида) |
| 2-босқич | Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими | 1. Маълумотларни текшириш, тадбиркорлик субъектининг ноёб идентификаторини бериш.<br>2. Маълумотларни Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига киритиш.<br>3. Ариза берувчини тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида хабардор қилиш. | реал вақт режимида (ариза топширилган пайтдан бошлаб 30 минутдан ошмаган вақтда) |

**Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан маълумотлар берилганлиги учун ундириладиган йиғимлар СТАВКАЛАРИ[11]**

| Т/р | Амалга ошириладиган ҳаракатлар | Йиғимлар миқдорлари | |
|---|---|---|---|
| | | **ўзи келиб** | **Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали** |
| **I. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида янги намунадаги гувоҳномани бериш*** | | | |
| 1. | Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида янги намунадаги гувоҳномани бериш | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида | Кўрсатилган сумманинг 90 фоизи миқдорида |
| **II. Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан маълумотларни бериш, махфий ахборот бундан мустасно** | | | |
| 2. | Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан тадбиркорлик субъектининг ўзи тўғрисида кўчирма | Бепул | Бепул |
| 3. | Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан кўчирма, махфий ахборот бундан мустасно | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари миқдорида | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,25 баравари миқдорида |

[11] [11] Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида” Низоми

| | | | |
|---|---|---|---|
| 4. | Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан тадбиркорлик субъектининг ўзига нисбатан битта ҳужжатни бериш | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдорида | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 2,5 фоизи миқдорида |
| 5. | Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан сўралаётган ахборот ва (ёки) ҳужжат мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари миқдорида | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,25 баравари миқдорида |
| 6. | Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан тадбиркорлик субъектлари рўйхатини электрон шаклда бериш, олиш имконияти қонун ҳужжатлари билан чекланган маълумотлар бундан мустасно | Бир қатори — базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 фоизи миқдорида, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 10,0 бараваридан ошмаган миқдорда | |

**Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган** МУДДАТЛАР[12]

| Т/р | Тадбиркорлик фаолияти шаклларининг номи | Давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган муддатлари |
|---|---|---|
| **I. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш** | | |
| 1. | Якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан деҳқон хўжалиги, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти субъектлари | реал вақт режимида, лекин 30 минутдан ошмаган вақтда |
| 2. | Тадбиркорлик фаолиятининг бошқа шакллари | реал вақт режимида, лекин 30 минутдан ошмаган вақтда |
| **II. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан қайта ўтказиш** | | |
| 3. | Деҳқон хўжалиги, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти субъектлари бошлиғи ўзгарганда | реал вақт режимида, лекин 30 минутдан ошмаган вақтда |
| 4. | Таъсис ҳужжатларига устав фонди миқдорининг оширилиши (камайтирилиши), улушнинг (ҳиссанинг) бошқа шахсга ўтиши билан боғлиқ бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда | умумий тартибда — 16 иш соатидан ошмаган вақтда |
| | | тезлаштирилган тартибда — 2 иш соатидан ошмаган вақтда |
| 5. | Рўйхатдан ўтказиш маълумотларига (таъсис ҳужжатларига) киритилаётган бошқа ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилганда | реал вақт режимида, лекин 30 минутдан ошмаган вақтда |

**Тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш тартиби**[13] **-**Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза берувчи «бизнесни рўйхатдан ўтказиш» —

---

[12] [12] Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида” Низоми

[13] Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида” Низоми

давлат хизматини танлайди ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги белгиланган ариза шакллари бўйича:

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида” Низоми 4-иловасига мувофиқ юридик шахс ташкил этмаган тадбиркорлик субъектлари яъни якка тартибдаги тадбиркор қуйидаги шаклда ариза тўлдиради.

**Юридик шахс ташкил этмаган тадбиркорлик субъектини (якка тартибдаги тадбиркорни) давлат рўйхатидан ўтказишга**

АРИЗА

**I. Умумий маълумотлар**

Қуйидаги сифатида юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтказишингизни сўрайман:

1-1. ☐ якка тартибдаги тадбиркор;

1-2. ☐ тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркор;

1-3. ☐ оилавий тадбиркорлик субъекти;

1-4. ☐ ҳунармандчилик фаолияти субъекти;

1-5. ☐ деҳқон хўжалиги.

*1-изоҳ:* *битта тегишли катакни белгилаш йўли билан тўлдирилади.*

**II. Ариза берувчининг паспортига оид ва бошқа маълумотлар**

2-1. Фамилияси:

2-2. Исми:

2-3. Отасининг исми:

2-4. Туғилган санаси: 2-4-1. Кун: 2-4-2. Ой: 2-4-3. Йил:

2-5. Жинси: 2-5-1. ☐ эркак; 2-5-2 ☐ аёл;

2-6. Паспорт серияси: 2-7. Паспорт рақами:

2-8. Берилган санаси: 2-8-1. Кун: 2-8-2. Ой: 2-8-3. Йил:

2-9. Паспорт ким томонидан берилган:

2-10. Фуқаролиги: 2-10-1. ☐ Ўзбекистон Республикаси; 2-10-2. ☐ фуқаролиги бўлмаган шахс; 2-10-3. ☐ чет эл фуқароси:

2-11. Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР):

2-11[1]. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) *(мавжуд бўлганда)*:

*2-изоҳ:* *1) 2-1дан 2-7гача бўлган бандлар ариза берувчи томонидан Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) кўрсатилганда тўлдирилмайди;*
*2) 2-3 ва 2-10-бандлар мувофиқ равишда отасининг исми ёки СТИР мавжуд бўлмаган тақдирда тўлдирилмайди;*
*3) 2-10-3-банд тўлдирилганда ариза берувчининг фуқаролик мамлакати кўрсатилади.*

**III. Ариза берувчининг уй манзили**

3-1. Кўча: 3-1-1. Боши берк кўча №: 3-1-2. Тор кўча №:

3-2. Уй №: 3-3. Квартира №:

3-4. Шаҳар:

3-5. Посёлка:

3-6. Қишлоқ (овул):

3-7. Туман:

3-8. Вилоят:

3-9. Республика (мамлакат):

3-10. Почта индекси:

3-11. Электрон почта манзили:

3-12. Алоқа қилинадиган телефон (коди билан):

*3-изоҳ:* *3-1дан 3-10гача бўлган бандлар очиладиган менюдан тегишли маълумотларни танлаш йўли билан тўлдирилади. Бунда агар ариза берувчининг уй манзили Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган бўлса, мазкур бандлар мустақил равишда тўлдирилади.*

**IV. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жойи**

4-1. уй манзили бўйича: ☐

4-2. бошқа манзил бўйича: ☐

4-2-1. Уй №: 4-2-1-1. Боши берк кўча №: 4-2-1-2. Тор кўча №:

4-2-2. Шаҳар: 4-2-3. Квартира №:

4-2-4. Посёлка:

4-2-5. Қишлоқ (овул):

4-2-6. Туман:

4-2-7. Вилоят:

4-2-8. Уй №:

4-2-9. Республика:

4-2-10. Почта индекси:

*4-изоҳ:* *4-1 ва 4-2-бандлар тегишли катакни белгилаш йўли билан тўлдирилади. Бунда агар ариза берувчи томонидан 4-2-банд белгиланса, очиладиган менюдан тегишли маълумотларни танлаш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жойини кўрсатган ҳолда 4-2-1дан 4-2-10гача бўлган бандлар қўшимча равишда тўлдирилади.*

**V. Тадбиркорлик фаолиятининг йўналиши**

5-1. ☐ чакана савдо; 5-2. ☐ маиший хизматлар;

5-3. ☐ ҳунармандчилик фаолияти; 5-4. ☐ бошқа фаолият турлари.

| | | |
|---|---|---|
| *5-изоҳ:* | *Тегишли катакни танлаш ва белгилаш йўли билан тўлдирилади. Бунда 5-3-банд (ҳунармандчилик фаолияти) бошқа фаолият йўналишлари билан бир вақтнинг ўзида танланиши мумкин эмас.* | |
| **VI.** | **Тадбиркорлик фаолиятининг тури** | |
| 6-1. | Асосий фаолият тури: | |
| | | |
| 6-2. | Қўшимча фаолият тури: | |
| *6-изоҳ:* | *1) 6-1 ва 6-2-бандлар очиладиган менюдан тегишли битта асосий (6-1-банд) фаолият турини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сон Фармони,** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 июлдаги 216-сон ва «Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорлари билан тасдиқланган тегишли рўйхатларда назарда тутилган иккитагача қўшимча (6-2-банд) фаолият турларини танлаш йўли билан тўлдирилади.<br>Бунда «импорт ва товарлар билан чакана савдо» — фаолият тури асосий ёки бошқа турлар билан бир вақтнинг ўзида қўшимча фаолият тури сифатида танланиши мумкин эмас;<br>2) 6-2-банд ариза берувчи томонидан қўшимча фаолият турлари амалга оширилмаганда тўлдирилмайди.* | |
| **VII.** | **Оилавий тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун** | |
| 7-1. | Оилавий тадбиркорлик сифатида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларининг сони: | киши. |

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 7-2. | Қариндошлик даражаси: | 7-2-1. | эри: | ☐ | 7-2-2. | хотини: | ☐ | 7-2-3. | ўғли: | ☐ | | |
| | | 7-2-4. | қизи: | ☐ | 7-2-5. | отаси: | ☐ | 7-2-6. | онаси: | ☐ | | |
| 7-3. | Фамилияси: | | | | | | | | | | | |
| 7-4. | Исми: | | | | | | | | | | | |
| 7-5. | Отасининг исми: | | | | | | | | | | | |
| 7-6. | Туғилган санаси: | 7-6-1. | Кун: | | 7-6-2. | Ой: | | 7-6-3. | Йил: | | | |
| 7-7. | Паспорт серияси: | | 7-8. | Паспорт рақами: | | | | | | | | |
| 7-9. | Берилган санаси: | 7-9-1. | Кун: | | 7-9-2. | Ой: | | 7-9-3. | Йил: | | | |
| 7-10. | Паспорт ким томонидан берилган: | | | | | | | | | | | |
| 7-11. | Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): | | | | | | | | | | | |
| 7-11[1]. | Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) (мавжуд бўлганда): | | | | | | | | | | | |
| 7-12. | Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома: | 7-12-1. | серияси: | | 7-12-2. | рақами: | | | | | | |
| 7-13. | Берилган санаси: | 7-13-1. | Кун: | | 7-13-2. | Ой: | | 7-13-3. | Йил: | | | |
| 7-14. | Эрнинг (хотиннинг) розилигини тасдиқлаган нотариус реестр рақами: | | | | | | | | | | | |
| 7-15. | Тасдиқлаш санаси: | 7-15-1. | Кун: | | 7-15-2. | Ой: | | 7-15-3. | Йил: | | | |

| | |
|---|---|
| *7-изоҳ:* | *1) 7-1-бандда ариза берувчи билан биргаликда (ариза берувчини ҳисобга олмаган ҳолда) оилавий тадбиркорлик субъекти таркибида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларининг сони (киши) кўрсатилади, 15 ёшга етмаган оила аъзолари бундан мустасно;<br>2) 7-2дан 7-11[1]гача бўлган бандлар оилавий тадбиркорлик субъекти таркибида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларининг ҳар бири учун алоҳида маълумотларни киритиш йўли билан тўлдирилади. Бунда болалари (фарзандликка олинган болалари билан биргаликда) тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш учун тўлдириладиган майдонлар сони тегишли бандларни қўшиш йўли билан кўпайтирилиши мумкин;<br>3) 7-12 ва 7-13-бандлар паспортга эга бўлмаган оила аъзолари учун тўлдирилади;<br>4) агар 7-2-1 ёки 7-2-2-бандлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарорига мувофиқ белгиланган бўлса, 7-14 ва 7-15-бандлар тўлдирилади.* |
| **VIII.** | **Ҳунармандчилик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун** |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 8-1. | Ҳунарманднинг шогирдлари сони: | ☐ 1; | ☐ 2; | ☐ 3; | ☐ 4; | ☐ 5 | шогирд. | | |
| 8-2. | Ота-она ёзма розилигининг санаси: | 8-2-1. | Кун: | | 8-2-2. | Ой: | | 8-2-3. | Йил: |

| | |
|---|---|
| *8-изоҳ:* | *1) 8-1-банд ҳунармандчилик фаолиятини ўрганаётган, 15 ва ундан юқори ёшдаги шогирдларнинг тегишли сонини белгилаш йўли билан тўлдирилади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарорига мувофиқ шогирдлар сони 5 кишидан ошмаслиги шарт);<br>2) 8-2-банд 16 ёшга тўлмаган шахсни шогирд сифатида жалб қилинган тақдирда тўлдирилади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарорига мувофиқ шахс 15 ёшга тўлганида унинг ота-оналаридан бирининг ёзма розилиги билан ҳунарманднинг шогирди сифатида жалб қилиниши мумкин).<br>Бунда ёзма розилиги тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш учун тўлдириладиган майдонлар сони тегишли бандларни қўшиш йўли билан кўпайтирилиши мумкин;<br>3) 8-2-банд шогирдлар мавжуд бўлмаганида тўлдирилмайди.* |

# Тадбиркорлик субъектини — юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишга АРИЗА

| | | | |
|---|---|---|---|
| **I.** | **Умумий маълумотлар** | | |
| | Қуйидаги сифатида давлат рўйхатидан ўтказишингизни сўрайман: | | |
| 1-1. | □ | акциядорлик жамияти (қисқартирилган аббревиатура — AJ): | |
| 1-2. | □ | масъулияти чекланган жамият (MCHJ); | |
| 1-3. | □ | қўшимча масъулиятли жамият (QMJ); | |
| 1-4. | □ | оилавий корхона (OK) | |
| 1-5. | □ | тўлиқ ширкат (TSH): | |
| 1-5. | □ | коммандит ширкат (KSH); | |
| 1-7. | □ | уиитар корхона (UK); | |
| 1-8. | □ | давлат унитар корхонаси (DUK); | |
| 1-9. | □ | хусусий корхона (XK); | |
| 1-10. | □ | ишлаб чиқариш кооперативи (IK); | |
| 1-11. | □ | фермер хўжалиги (FX); | |
| 1-12. | □ | юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалиги (DX); | |
| 1-13. | □ | юридик шахс ҳуқуқи билан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона филиали; | |
| 1-14. | □ | чет эл капитали иштирокидаги корхона | |
| | | 1-14-1. | қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги: |
| 1-15. | □ | тадбиркорлик субъектининг — юридик шахснинг бошқа шакли; | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1-16: | Қуйидаги йўл билан тузилаётган: | 1-16-1. | □ | таъсис этиш: | |
| | | 1-16-2. | □ | қуйидаги шаклда қайта ташкил этилаётган: | |

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1-16-2-1. | □ | қайта тузиш; | | 1-16-2-2 | □ | ажратиб чиқариш; | 1-16-2-3. | □ | бўлиш; |
| | 1-16-2-4. | □ | қўшиб юбориш; | | 1-16-2-5 | □ | бирлаштириш: | | | |
| | 1-16-2-6. | □ | бир вақтнинг ўзида бирлаштириш билан бўлиш:_ | | | | | | | |
| | 1-16-2-7. | □ | бир вақтнинг ўзида бирлаштириш билан ажратиб чиқариш; | | | | | | | |
| | 1-16-2-8. | □ | бир вақтнинг ўзида қўшиб юбориш билан бўлиш: | | | | | | | |

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1-16-2-9. | □ | бир вақтнинг ўзида қўшиб юбориш билан ажратиб чиқариш. | | | | | | | |
| 1-17. | Ташкил этилаётган юридик шахснинг мулкчилик шакли: | 1-17-1. | □ | хусусий; | 1-17-2. | □ | оммавий (давлат). | | | |
| 1-18. | Юридик шахсни таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилган орган: | | | | | | | | | |
| 1-18-1. | Қарор қабул қилинган сана: | 1 1-18-1-1. | Кун: | | 1-18-1-2. | Ой: | | 1-18-1-3. | Йил: | |
| 1-18-2. | Юридик шахснинг устав фондида давлат улушининг мавжудлиги: | Бор □ | Йўқ □ | | | | | | | |
| 1-19. | Директор (директор функцияларини бажарувчи шахс) (Ф.И.О): | | | | | | | | | |
| 1-19-1. | Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) (мавжуд бўлганда): | | | | | | | | | |
| 1-19-2. | Паспорт маълумотлари (серия. Рақам, берилган сана, ким томонидан берилган): | | | | | | | | | |
